



ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ШАКЛИ СИФАТИДА ХУСУСИЯТЛАРИ

Наимов Рахимжон Хафизович

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети мустақил
изланувчиси*

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида профилактик ҳисобга олишнинг якка тартибдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакли сифатида хусусиятлари ҳамда муаммолари таҳлил қилинган. Шунингдек, профилактик ҳисобга олиш институтининг ҳуқуқий асослари, амалий тажрибани таҳлил қилиш асосида таклифлар шакллантирилган ва амалий фаолият учун йўналишлар белгилаб берилган.

Калит сўзлар: профилактика, профилактик ҳисобга олиш, жиноят содир этган шахслар, Ўзбекистон, ҳуқуқий механизм, жинояткорликни бартараф этиш.

Аннотация: В данной статье анализируются особенности и проблемы профилактического учета в Республике Узбекистан как формы профилактики индивидуальных правонарушений. Также на основе анализа правовых основ института профилактического учета, практического опыта сформированы предложения и определены направления практической деятельности.

Ключевые слова: профилактика, профилактический учет, лица, совершившие преступления, Узбекистан, правовой механизм, ликвидация преступности.

Abstract: This article analyzes the features and problems of preventive registration as a form of prevention of individual offenses in the Republic of Uzbekistan. Also, based on the analysis of the legal basis of the institution of preventive registration, practical experience, proposals have been formulated and directions for practical activities have been determined.

Keywords: prevention, preventive registration, persons who have committed crimes, Uzbekistan, legal mechanism, crime prevention.

Жамиятимизда жиноятларни барвақт олдини олиш, жиноят содир этган шахсларни ижтимоий интеграция қилиш ва қайта жиноят содир этиш хавфини камайтириш асосий вазифалардан биридир. Шу нуқтаи-назардан, профилактика механизмларидан бири сифатида профилактик ҳисобга олиш институти муҳим ўринга эга. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мазкур турдаги профилактиканинг ҳуқуқий асослари ва амалга ошириш механизмлари белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини



олиш ва профилактик ҳисобга олишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Унда давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг профилактикадаги роли, шу жумладан профилактик ҳисобга олишга олиш тартиби белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунидаички ишлар органларининг профилактик ҳисобга олишни юритишдаги вазифалари белгиланган.

Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш (профилактика) – жамиятда қонунийлик ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим йўналишидир. Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунчилик ва амалий фаолиятга катта эътибор қаратилмоқда. Бу тизимда айниқса якка тартибдаги профилактик ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ҳуқуқбузарлик содир этган ёки содир этиш хавфи мавжуд шахсларни назорат қилиш, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали қайта жиноят содир этишнинг олдини олишни назарда тутди. Демак, профилактик ҳисобга олиш – бу давлат органлари томонидан белгиланган шахсларнинг ғайриижтимоий хулқ-атвори, жиноят содир этиш эҳтимоли бўлган ҳолатларни ёки жиноят содир этган шахсларнинг белгиланган тартибда кузатилиши, улар билан индивидуал профилактика ишларини олиб бориш жараёни ҳисобланади.

Профилактик ҳисобга олиш ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси шакли сифатида шахснинг ҳуқуқий ҳолати, ижтимоий муҳити ва ўзини тутиш хусусиятларини ҳисобга олишга қаратилган махсус чоратadbирдир. Бу шакл ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёки илгари ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан амалга оширилади. Профилактик ҳисобга олиш тадбирлари профилактика суҳбати, расмий огоҳлантириш, ижтимоий реабилитация ва мослаштириш, мажбурий даволанишга йўналтириш ва ички ишлар органларининг маъмурий назоратини ўз ичига олади. Ушбу чоралар шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий онгни ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, шахсни жазолаш эмас, балки уни тузатиш ва ижтимоий мослаштиришга йўналтирилган.

Профилактик ҳисобга олиш соҳасидаги хусусиятлар:

- шахснинг ижтимоий муҳити ва турмуш тарзи ҳисобга олинади, яъни фақатгина ҳуқуқбузарлик фактлари эмас, балки у шахснинг атрофидаги шароитлар ҳам ўрганилади.

- қайта ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида шахсга индивидуал ёндашув амалга оширилади.

- профилактика суҳбатлари чоғида шахсга ҳуқуқбузарликларни содир этилишига сабаб бўлаётган омиллар ҳақида тушунчалар берилади.

- расмий огоҳлантириш орқали шахсга ҳуқуқий масъулият билан боғлиқидан хабар берилади.



- мажбурий даволаниш ва ички назорат каби чора-тадбирлар орқали шахсни жамоат тартибига қайтаришга ҳаракат қилинади.

- профилактик ҳисобга олиш тизимида ижтимоий реабилитация ва мослаштириш ҳам муҳим ўрин тутди, бу эса шахсни жамиятга қайта мослаштиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга, мазкур профилактика шакли ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда давлат органлари, маҳалла идоралари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлигида амалга оширилади. Унинг мақсади шахсни жазолаш эмас, балки уни ижтимоий-ҳуқуқий хизмат кўрсатиш орқали тузатиш ва уни жамиятга қайтариш, яъни ижтимоийлаштиришдан иборатдир.

Якка тартибдаги профилактик ҳисобга олиш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимида муҳим механизмлардан биридир. Ушбу механизмнинг асосий вазифаси - ҳуқуқбузарлик содир этмоқчи бўлган ёки илгари содир этган шахсларни аниқлаш, уларни ижтимоий муҳит ва шахсий ҳолатлари асосида таҳлил қилиш ва шу асосда профилактик чора-тадбирларни такомиллаштиришдир.[1]

Профилактик ҳисобга олишнинг асосий хусусиятлари ва механизмлари куйидагилардан иборат:

- ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш субъектлари, айниқса профилактика инспекторлари, шахснинг ижтимоий ҳолати, турмуш шароити ва бошқа омилларни чуқур таҳлил қилади.

- профилактик ҳисобга олинган шахслар билан мунтазам алоқалар ва суҳбатлар ўтказилади, уларга расмий огоҳлантиришлар, ҳуқуқий билимлар бериш каби чоралар амалга оширилади.

- профилактик суҳбат, ижтимоий реабилитация ва мослаштириш, мажбурий даволанишга ёки назоратга олиш каби чора-тадбирлар кўрилади.

- профилактик инспекторлари маҳаллада фаолият юритиб, ҳуқуқбузарликларга мойил бўлган ёки ҳаммакама шахсларни мониторинг қилади. улар шахсга ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-иқтисодий шароитларни яхшилаш учун тегишли идоралар билан ҳамкорлик қилади.

- шахсни профилактик ҳисобга олиш ҳаракати бир йил муддатга амал қилади ва унга нисбатан чора-тадбирлар шу давр ичида самарали амалга оширилиши талаб қилинади.

Шу билан бирга, профилактик ҳисобга олиш жараёнида шахснинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади: у тўпланган маълумотлар ва чиқарилган қарорлар билан танишиш, шикоят қилиш, юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлади [5].

Профилактик ҳисобга олиш тартиби ва механизмлари ҳуқуқий жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари ва норматив ҳужжатлари билан кафолатланган бўлиб, улар ижтимоий тизим ва давлат идоралари ҳамда маҳалла органлари билан мувофиқлашган тарзда амалга оширилади. Бу чоралар



жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва шахсларни ижтимоий мослаштиришга хизмат қилади [2].

Шу тариқа, профилактик ҳисобга олиш ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси шакли сифатида шахсни жазолаш эмас, балки уни ижтимоий тугрилаштириш, тузатиш ва жамиятга қайтаришга қаратилган комплекс чоралар тизими ҳисобланади.

Бу муҳим механизм ижтимоий хавфсизлик ва жамият тинчлиги таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари иштирокида самарали амалга оширилади [3].

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунида профилактика тушунчаси ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилотчилик чора-тадбирлари мажмуаси сифатида белгиланган [1].

Шу асосда профилактик ҳисобга олиш деганда, ҳуқуқбузарлик содир этган ёки унга мойил шахсларни аниқлаш, рўйхатга олиш, уларни кузатиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари кўриш тушунилади.

Профилактик ҳисобга олишнинг ҳуқуқий базаси мазкур Қонун, шунингдек Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ички ишлар вазирлиги норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади [5].

Қонун лойиҳасида профилактик ҳисобга олиш учун асос бўлувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар сони 28 тадан 12 тага қисқартирилиши, шунингдек ҳисобга олинган шахслар тоифаси 6 тадан 3 тага камайтирилиши тақлиф этилган [10].

3. Профилактик ҳисобга олишнинг мақсад ва вазифалари

Ушбу тизимнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли мавжуд шахсларни эрта аниқлаш ва улар билан профилактик ишлар олиб бориш;

такрорий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ижтимоий мослашувга кўмаклашиш [5];

шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий онгни ошириш, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишончини мустаҳкамлаш [10];

ҳуқуқбузарликлар сабаб ва шароитларини ўрганиш ва бартараф этиш.

Профилактик ҳисобга олиш жараёнида шахс билан мунтазам суҳбатлар ўтказиш, яшаш ва меҳнат шароитини текшириш, маҳалла ва фуқаролар йиғинларининг иштирокини таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

4. Якка тартибдаги профилактик ҳисобга олишнинг ўзига хос жиҳатлари сифатида умумий профилактикадан шахсий йўналтирилганлиги билан фарқ қилишини қайд этиш керак. Унинг бошқа хусусиятлари қаторида шахсий йўналтирилганлиги [4], давомли кузатув – шахс маълум муддат (одатда 1 йил) профилактик ҳисобда бўлади [12], унинг фақат назорат эмас, балки шахсга меҳнатга жойлашиш, ижтимоий ёрдам олишда кўмаклашиш мақсадида амалга оширилиши [5], профилактик ҳисобдан чиқариш белгиланган асослар (муддат



тугаши, прокурор қарори, оқлов ҳукми ва ҳ.к.) [12] бўйича амалга оширилади намоён бўлади.

Профилактик ҳисобга олиш чораларини асосан ички ишлар органлари профилактика инспекторлари маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда амалга оширадilar [2]. Ҳисобда бўлиш муддати одатда 1 йилни ташкил этади, лекин янги асослар пайдо бўлса, муддат қайта бошланади. Ҳисобдан чиқариш белгиланган ҳуқуқий шартлар асосида амалга оширилади [12].

профилактик ҳисобга олиш амалиёти қуйидаги масалалар долзарблигини кўрсатади:

маҳалла ва фуқаролар йиғини органларининг фаол иштирокини таъминлаш зарур [2];

профилактика инспекторлари, ижтимоий хизматлар ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик етарли даражада эмас [9];

шахснинг ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш талаблари доимий таъминланиши лозим [10];

натижавийликни баҳолаш (такрорий ҳуқуқбузарликлар сони, ижтимоий мослашув даражаси) учун самарали мониторинг тизими жорий этилиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда профилактик ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш мезонларини аниқ белгилаш, ягона рақамли маълумот базасини яратиш, профилактика инспекторларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ҳуқуқий кафолатлар ва инсон ҳуқуқларига риоя этишни кучайтириш, ваколатли идоралар ва маҳалла тизимлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, профилактик ҳисоб самарадорлигини баҳолаш учун илмий мониторингни йўлга қўйиш, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ва ҳуқуқий онгни оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади.

Якка тартибдаги профилактик ҳисобга олиш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У барвақт профилактика, ижтимоий ёрдам ва давлат назоратини уйғунлаштирган ҳолда ҳуқуқбузарликлар рецидивини камайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, амалий фаолият самарадорлигини ошириш ва инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашувни кучайтириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бу тизимнинг ҳуқуқий асослари мавжуд ва замон талабига мос равишда ривожланиб бормоқда. Бироқ, амалий натижаларни янада самарали қилиш учун профилактик ҳисобга олиш тизимини рақамлаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, профилактик ҳисобга олиш тизими жиноятчиликка қарши курашнинг самарали механизми сифатида давлат, жамият ва фуқаролар ҳамкорлигида фаол ишлаши лозим. Бу йўналишдаги қонунчилик ва илмий



асосларни такомиллаштириш, айниқса, рецидивизм даражасини янада пасайтириш ва ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадида муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, 2014 йил 14 май.
2. Ғаниев Ф., Ғаниева Г., Рихситиллаева М. Профилактика инспекторларининг профилактик ҳисобда турган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш. Central Asian Journal of Interdisciplinary Studies and Administration, 2024.
3. Нарзиев С.З., Собиров Қ.Б. Профилактика инспекторининг профилактик ҳисобда турган шахслар билан ишлаш фаолиятининг тушунчаси ва аҳамияти. Янгё Ўзбекистонда тараққиётда тадқиқотларнинг ўрни ва ривожланиш омиллари, 2024.
4. Умаров З.Р. Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасига оид назарий таҳлил. Uzbek Scholar Journal, 2024.
5. Kun.uz. “Профилактик ҳисобга киритиш асос бўлувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар тури қисқартирилади” – Бахтиёр Бердиалиев, 21 ноябр 2021.
6. Kun.uz. Профилактик тадбирлар аҳоли хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади, 13 ноябр 2020.
7. Хасанов С.М. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти. Tadqiqotlar.uz, 2024.
8. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятининг асосий йўналишлари. Obrazovanie Nauka i Innovatsionnye Idei v Mire, 2024.
9. Жақбарлиев Д.М. Профилактика инспекторининг фуқаролар йиғини ҳузуридаги комиссиялар билан ҳамкорлигини такомиллаштириш. New Modern Researchers, 2025.
10. Kun.uz. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси эълон қилинди, 26 май 2023.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси (биринчи ўқиш). QL-48, 2025.
12. ИИВ ўқув-методик материал. Шахсни профилактик ҳисобга олиш муддати ва ҳисобдан чиқариш асослари.